

2024
3(17)

IQTISODIYOT VA TURIZM
xalqaro ilmiy va innovatsion

ЭКОНОМИКА И ТУРИЗМ
международный научно-
инновационный журнал
ECONOMICS AND TOURISM
international scientific and
innovative journal

ISSN 2181-2551
E-ISSN 2181-2561





ISSN 2181-2551
E-ISSN 2181-256X

"IQTISODIYOT VA TURIZM"
xalqaro ilmiy va innovatsion jurnali

«ЭКОНОМИКА И ТУРИЗМ»
международный научно- инновационной журнал

"ECONOMICS AND TOURISM"
international scientific and innovative journal

№3(17) 2024

O'zbekiston Respublikasi Oliy attestatsiya komissiyasi Rayosatining 2022 yil 30 apreldagi 315/5-son qarori bilan iqtisodiyot fanlari buyicha falsafa doktori (PhD) va fan doktori (DSc) ilmiy darajasiga talabgorlarning dissertatsiya ishlari yuzasidan dissertatsiyalari asosiy ilmiy natijalarini chop etish tavsiya etilgan ilmiy nashrlar ro'yxatiga kiritilgan.



Jurnal haqida

"Iqtisodiyot va turizm" xalqaro ilmiy va innovatsion jurnali

"Iqtisodiyot va turizm" xalqaro ilmiy-innovatsion jurnaliga taqdim etilgan ilmiy maqolalarga qo'yiladigan asosiy talablar falsafa doktori (PhD), fan doktori (DSc) dissertatsiyalarining asosiy ilmiy natijalarini xalqaro standartlar va O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzurida "Oliy attestatsiya komissiyasi to'g'risidagi Nizom" talablari, shu jumladan elektron ilmiy-texnik jurnallarga qo'yiladigan talablar tizimi hisoblanadi.

«Экономика и туризм» международный научно- инновационный журнал

Основные требования к научным статьям, представляемым в международном научно-инновационном журнале «Экономика и туризм» являются научные труды, рекомендованные для публикации основных научных результатов докторских (PhD), (DSc) диссертаций в соответствии с международными стандартами и «Положением о Высшей аттестационной комиссии» при Кабинете Министров Республики Узбекистан, в частности требования к электронным научно-техническим журналам.

About the magazine

"Economics and Tourism" international scientific and innovative journal

The main requirements for scientific articles submitted to the international scientific and innovative journal "Economics and Tourism" are scientific publications recommended for the publication of the main scientific results of doctoral (PhD), (DSc) dissertations in accordance with international standards and the "Regulation on the Higher Attestation Commission" Under the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan, including from templates in the system of requirements for electronic scientific and technical journals.

EDITORIAL BOARD



Chairman of the Editorial Board

Navruz-Zoda Bakhtiyor Negmatovich

Bukhara State University Professor Doctor of Economical sciences (DSc)

Vise-Chairman of the Editorial Board

Khamraev Khalim Razikovich

Bukhara State University Docent Doctor of economical sciences

Main editor

Khidirova Gavkhar Rustamovna

Bukhara State University Docent Doctor of philosophy (PhD) Economical sciences

Members of editorial board

Khamidov Obidjon Khafizovich

Bukhara State University Professor Doctor of Economical sciences (DSc)

Akhmedov Tursun Mukhitovich

Institute of forecasting and macroeconomic researcher (IFMR) Deputy director professor,
Doctor of Economic Sciences (DSc)

Maydyrova Aigul Bulatovna

Doctor of Economics, Professor. Head Department of "Economics and Entrepreneurship" of the Faculty of
Economics of the Eurasian National University L.N. Gumilyov

Ivlieva (Shaposhnikova) | Olga Vasilevna

Doctor of Geography, Professor of the Tourism Department of the Higher School of Business of the Southern
Federal University

Mutalieva Lyailya Maratovna

Candidate of Economic Sciences, Associate Professor, Head of the Department "Tourism" of the Eurasian National
University L.N. Gumilyov

Djavlonbek Kadirov

Place of work: Victoria University of Wellington PhD in Marketing

Yuldashev Shuxrat Ganievich

National university of Uzbekistan professor Doctor of economic science

Khazhimov Pazliddin Zukurovich

National university of Uzbekistan Docent Doctor of philosophy (PhD) of Economic sciences

Eshtayev Alisher Abduganiyevich

Doctor of Economic Sciences, Professor, Director of the Department for the Development of Education, Science and
Research of the Ministry of Culture and Tourism of the Republic of Uzbekistan

Navruz-zoda Zebiniso Bakhtiyorovna

Doctor of philosophy on economic sciences (PhD), Associate Professor Department of Economics of the Bukhara
State University

Oripov Makhmud Ashurovich

Bukhara State University associate professor Department of "Agribusiness and Agro Logistics"

Abdullaev Ilyos Sultanovich

Urgench State University professor Doctor of economic sciences

Alimova Mashhura Toirxonovna

Samarkand Institute of Economics and Service Professor of the Department of Management
DSc in Economics

Juraev Abror Turobovich

Bukhara State University Vice-rector for International Cooperation Candidate of economic sciences

Ibragimov Nutfillo Salimovich

Bukhara State University Professor Doctor of Economical sciences (DSc)

Yavmutov Dilshod Shoyimardonkulovich

Bukhara State University Docent Doctor of philosophy (PhD) Economical sciences

Tadjieva Sayyorakhon Uralovna

Bukhara State University Head of the Department Candidate of economic sciences

Rustamov Farrukh Rustam ugli

Bukhara State Pedagogical Institute Docent Doctor of philosophy (PhD) Sociological sciences

Tukhsanov Kudratillo Nozimovich

Tashkent State University of Economics Professor Doctor of Economical sciences (DSc)

Hudayberganov Dilshod Tuxtabaevich

Urgench State University of Economics Professor, Doctor of Economical sciences (DSc), associate professor

Responsible editor: Gavhar Xidirova

Web-administrator: Erkin Farmonov



MUNDARIJA

Юлдашев Шухрат Ганиевич. Прямые иностранные инвестиции: теории, современные тренды и институциональные факторы.....	5
Juraev Abror Turopovich, Omonova Nilufar Rahmonovna. Integrating sustainable practices into event tourism.....	23
Юлдуз Пирназаровна Урунбаева. Иқтисодиёт таркибига туризмнинг янги турларини киритишнинг аҳамияти.....	31
Yokubjonova Xulkarbonu Yokubovna. Farg'ona vodiysida ekologik turizmning zamonaviy tendentsiyalari.....	39
Xodjayev Anvar Rasulovich. Marketing tadqiqotlarini amalga oshirishda investitsion salohiyat va uni baholashni ahamiyati.....	48
Makhmudova Nodira Uktamovna. The role of educational tourism for sustainable tourism development.....	58
Salimova Sarvinoz Fazliddin qizi. Turizm sohasida diversifikatsiyaning ilmiy-uslubiy asoslari.....	64
Istamkhuj Olimovich Davronov. The importance of green technologies in the sustainable development of hotels.....	72
Axrороva Nilufar Uktamovna. Talaba va yoshlar sayohatining nazariy jihatlar hamda uni rivojlantirish strategiyalari.....	79
Shukurov Farux Toxirovich. "Ipak yo'li" hududlarida turizm oqimini o'rganish usullari (Samarqand viloyati misolida).....	88
Жабборова Зухра Абдигани қизи. Туризм соҳаси ривожланишида инновацион фаолиятни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизмини такомиллаштириш.....	95
Узоқов Жамшид Норбоевич. Қашқадарё вилоятида зиёрат туризми ривожлантириш механизмини такомиллаштириш.....	104
Eshimbetov Uktamjon Xudaybergenovich. O'zbekistonda qishloq xo'jaligining rivojlanishi va hududiy tashkil etilishi.....	112
Oripov Makhmud Ashurovich. Strategical Aspects of Development of Bioeconomy in Bukhara Region.....	126
Qulmurotov Sohijjon Jumanioyozovich. Hududlarda asalarichilik klasterlari orqali asalarichilik sohasini barqaror rivojlantirish tamoyillari.....	133
Эшмуродова Н.Ш., Абжалов А.А. Распределение индикаторно-сапробных видов водорослей очистного сооружения «Узунбулак» и их экологическая характеристика.....	141
Kholikova Rukhsora Sanjarovna, Izzatulloev Bakhodir Ubaydullo ugli. The Confluence of Sustainable Practices and Economic Advancement: Harmonizing Environmental Conservation with Business Imperatives.....	147

ТУРИЗМ СОҲАСИ РИВОЖЛАНИШИДА ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Аннотация. Ушбу мақолада туризм соҳаси ривожланишида инновацион фаолиятни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш салоҳияти, минтақада турли тармоқларнинг рақобатбардошлигини ошириш, ўз навбатида минтақанинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг ўсиши ва маълум омилар асосида ривожланиши ёритиб берилган. Шу билан бирга, туризм хизматлари соҳасида инновацион фаолиятни ривожлантириш йўналишлари ва инновацион фаолиятни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг иқтисодий механизмларини такомиллаштириш ҳамда инновацион технологиялар, уларнинг мазмуни, қўлланилиши ва самарадорлиги бўйича таклиф ва тавсиялар берилган.

Бунда туристик корхоналарнинг ўзаро манфаатларини рўёбга чиқариш, мувофиқлаштириш ҳамда комплекс ривожлантириш тизими сифатида давлатнинг тартибга солувчи ва қўллаб-қувватловчи ролига алоҳида эътибор қаратилган.

Калит сўзлар: инновацион фаолият, рентабеллик, инвестиция, инновация, электрон тижорат, ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлар, туристик хизматлар, туристик имидж, истеъмол моделлари.

Аннотация. В данной статье освещен потенциал государственной поддержки инновационной деятельности в развитии туристической отрасли, повышения конкурентоспособности различных отраслей региона и, в свою очередь, роста социально-экономического развития региона и его развития на основе определенных факторы. При этом были сделаны предложения и рекомендации по направлениям развития инновационной деятельности в сфере туристических услуг и совершенствованию экономических механизмов государственной поддержки инновационной деятельности, а также инновационных технологий, их содержания, применения и эффективность.

Особое внимание уделено регулирующей и поддерживающей роли государства как системы всестороннего развития, координации и реализации взаимных интересов туристских предприятий.

Ключевые слова: инновационная деятельность, рентабельность, инвестиции, инновации, электронная коммерция, социально-экономические показатели, туристические услуги, туристический имидж, модели потребления.

Abstract. This article highlights the potential of state support for innovative activities in the development of the tourism industry, increasing the competitiveness of various sectors in the region, and in turn, the growth of the socio-economic development of the region and its development based on certain factors. At the same time, proposals and recommendations were made on the directions for the development of innovative activities in the field of tourism services and the improvement of the economic mechanisms of state support for innovative activities, as well as innovative technologies, their content, application and effectiveness.

Special attention is paid to the regulatory and supporting role of the state as a system of comprehensive development, coordination and realization of mutual interests of tourist enterprises.

Key words: innovative activity, profitability, investment, innovation, e-commerce, socio-economic indicators, tourist services, tourist image, consumption models.

Қириш. Глобал иқтисодиётнинг муҳим сектори сифатида туризм индустриясининг жаҳон иқтисодиётидаги ўрни ҳам ортиб бормоқда. Айнан туризм

иктисодиётнинг юқори даромадли соҳаси бўлиб, жаҳон товар ва хизматлар бозорини жадаллаштиришга, аҳоли бандлигини тامينлашга, дунёнинг турли мамлакатлари ва минтақалари ўртасида яқин алоқани ривожлантиришга ёрдам беради. Халқаро туристик ташкилот маълумотларига кўра, туризм дунё бўйича хизматлар экспортининг 30% ини таъминлайди. Шу жиҳатдан ҳам жаҳон миқёсида туризмни ривожлантириш, туризм хизматлари ҳажмини ошириш ва туризм соҳасини давлат томонидан қўллаб-қувватлашни механизмларини такомиллаштирган ҳолда хизматлар сифатини ошириш, соҳада иқтисодий муносабатларни ривожлантириш каби масалаларга катта аҳамият берилмоқда.

Бугунги ривожланаётган иқтисодий бозорнинг замонавий ўзгаришлар талаби асосида туризм соҳасидаги ўсиш негизи сифатида инновацияларни жорий этишнинг улушини кўпайтириш ва юқори технологиялар орали сифатли маҳсулотлар ёрдамида рақобатбардошлигини ошириш туризмни ривожлантиришнинг муҳим қисмидир. Турли мамлакатларда туризм соҳасини ривожлантиришда инновацион усулга асосланган фаол ўзгаришларни амалга оширмоқда. Турли иқтисодий таҳлиллар асосида туризмда инновация тушунчасига қуйидагича таъриф берилди: Туризмда инновация бу фан ва ИТ технологиялар ютуқлари, менежмент ва маркетингда эришилган илғор тажрибалардан фойдаланган ҳолда янги туристик ғояларни яратиш ва унинг даромадлилигини ошириш, мавжуд туристик имиджни такомиллаштиришдир.

Ўзбекистон Республикаси 2021-йил 27-августдаги ПФ-6198-сон “Илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантириш бўйича давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 27 августдаги ПҚ-238-сон «Туризм йўналишидаги ислохотларни янада жадаллаштириш ва соҳада давлат бошқаруви тизимини самарали ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорига асосан туризм соҳасида янгича ёндашувларни жорий этиш орқали қўшимча иш ўринлари ва туристик жаҳон бозорида кенг ўрин эгаллаш имконияти мавжуд.

Туризм соҳасида инновациялар унинг бир неча хусусиятларига таъсир этади, уларга:

- ишлаб чиқаришда янги брендларнинг яратилиши ва сотиш ҳажмининг ошишига;
- янги инновацион ишлаб чиқариш технологиялари асосида сарфланадиган харажларнинг камайтирилиши;
- шаклланган ва амалдаги мулк ҳажмининг ошиши;
- янги маҳсулотнинг ишлаб чиқариш ва унинг асосий сифатларини намойиш эта оладиган мутахассисларни шакллантириш;
- инновацияни сифатли ва қисқа муддатда амалда жорий этиш.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Туризм соҳасини ривожлантиришнинг баъзи назарий ва амалий жиҳатлари, туризм соҳасини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг ривожланишини тартибга солишнинг ҳуқуқий, ташкилий ва ташкилий-иқтисодий механизмлари, туризм соҳасида давлат сиёсатининг асосий йўналишлари, туристик хизматлар самарадорлигини баҳолаш усуллари олимлар томонидан ўрганилган. Уларга мисол сифатида иқтисодиётнинг йирик намоёндаларидан бири А.М.Бабашкина давлатнинг иқтисодиётда иштирок этиш даражасини, таъсир кўрсатиш воситаларини чеклаш кераклигини, давлатнинг вазифаларидан бири иқтисодиёт субъектлари фаолиятини қўллаб-қувватловчи давлат институтлари фаолиятини ривожлантириш, хусусий сектор самарадорлигини ошириш учун зарур шарт-шароитларни шакллантиришдан иборатлиги ҳақидаги изланишлар олиб борган.[1]

Англиялик машҳур иқтисодчи Джон Мейнард Кейнс ўзининг илмий қарашларида иқтисодиётни тартибга солишда давлатнинг иштироки зарурлиги тўғрисидаги пул-кредит сиёсати орқали талабни тартибга солиш самаралилиги ва давлат инвестицияларига эмас, балки хусусий компанияларга берилган давлат буюртмаларига устунлик ҳақидаги қарашларни изланишлар натижасида ёритган[2]

хамда Н.И.Кабушкин, В.А.Квартальнов ва бошқа олимларнинг илмий тадқиқотларида кенг ёритилган. [3]


Тадқиқотчи М.З.Мухаммедованинг изланишларида эса рақобат кураши тобора кучайиб бораётган бугунги шароитда, иқтисодиётнинг барча соҳаларини, жумладан, туризм соҳасини ҳам, инновацияларсиз ривожлантириб бўлмаслиги, ривожланиш истагида бўлган ҳар қандай корхона, жумладан, туристик корхоналар инновацияларни қабул қилиши ва фаолиятига самарали жорий қилиши лозимлиги ҳақида қарашларинини ўз илмий изланишларида келтириб ўтган.[4] Шу билан бирга қатор олимларнинг илмий изланишлари ва асарларида туризм соҳасини ривожлантиришнинг назарий-услубий ҳамда туризмни давлат томонидан қўллаб-қувватлашга оид муҳим материаллар тақдим этилган.

Тадқиқот методологияси. Ушбу мақолада тизимли ёндашув доирасида комплекс, киёсий таҳлил, иқтисодий статистика, шунингдек, анализ ва эклектизм усули каби умумий илмий тамойиллар ва бир қатор илмий тадқиқот усулларида фойдаланилади. Тадқиқот давомида жаҳон ва миллий миқёсдаги расмий ташкилотларнинг статистик материаллари таҳлили ўтказилди, ҳудудий даражадаги давлат органлари ходимлари, туризм муассасалари раҳбарияти ва жамоат ташкилотларининг эксперт баҳоларидан фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар. Замонавий туристик маҳсулотнинг самарадорлиги унинг истеъмолчилар талабига жавоб бериши ва мавжуд харидорлар базасини сезиларли даражада кенгайтириши орқали баҳоланади. Инновациялар учун имконият қанчалик катта бўлса олинadиган реал фойда ҳам шунчалик кўп бўлади.

Инновация уни амалга ошириш бўйича жами меҳнат жараёнларини ўзида намоён этувчи инновацион жараённинг натижаси ҳисобланади. Ўз навбатида инновацион фаолият ўз моҳиятига кўра, муайян корхона доирасида турли хилдаги инновацияларни амалга оширишда инновацион жараён босқичларидаги ишни ташкил этишни ифодалайди. Келгусида ишлаб чиқаришнинг техник даражаси ва самарадорлиги бугунги кундаги инновацион фаолиятни амалга ошириш йўналишлари ва натижадорлиги билан аниқланади. [5] Шунингдек, инновацион фаолиятни фаоллаштириш корхоналарнинг эгаллаб турган бозоридаги барқарор ҳолати ва ривожланиш динамикасини таъминлашнинг шарт-шароити ҳамда унинг рақобатбардошлигини оширишнинг асосий омили ҳисобланади.

Шу ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда туризмда турли кўринишдаги инновацияларни саралаш, танлаш ва реализация қилиш, замонавий туристик хизматлар ассортиментини кенгайтириш ва самарадорлигини оширишнинг интенсив омилларини кучайтиришни талаб этмоқда. Одатда, туризмда инновациянинг жорий этилиши қуйида кетма-кетликда амалга оширилади:



1- расм. Туризмда инновацияларни жорий этишнинг динамик ҳаракати кетма-кетлиги[6]

1. Бу эса туризм соҳасининг бугунги кундаги ривожини асосан инновацион талаб ва таклиф мувофиқлигига эришиш ва туризм туташ соҳалар интеграциясига боғлиқ. Ўз навбатида инновацияларни жорий этишда давлатнинг рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш функцияси алоҳида аҳамият касб этади. Ҳозирги вақтда инновация фаолиятини молиялаштириш мақсадида фойдаланиладиган маблағларнинг асосий манбаи сифатида: «маҳаллий ва республика миқёсида ажратиладиган бюджет маблағлари; инновацион корхоналар (ИК) томонидан шакллантирилган махсус нобюджет ИТТКИни молиялаштириш фондлари маблағлари; корхоналарнинг шахсий маблағлари; турли турдаги тижорат тузилмалари (инвестиция компаниялари, тижорат банклари, суғурта жамиятлари, молия-санот гуруҳлари)нинг молиявий ресурслари; тижорат бақларининг кредит ресурслари; хорижий инвестициялар; миллий ва хорижий илмий фондларнинг маблағлари; аҳолининг шахсий жамғармалари хизмат қилиши мумкин».[7]

2. Биз таклиф қилаётган дастурни реализация қилиш жараёнида бир қатор ҳокимият органлари арарлашуви асосида амалга оширилиши мумкин. Уларга ҳудудий ҳокимият органлари, иқтисодий ва молия бошқармалари, Ўзбекистон Экология вазирлиги ҳузуридаги Туризм қўмитаси ҳудудий бўлинмалари, Республика Илм-фанни молиялаштириш ва инновацияларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси, тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси, туристик субъектлар ва корхоналарни мисол қилиб айта оламиз. Туризм соҳасида инновацион фаолиятни ривожлантириш дастури тадбирларининг мақсади соҳада инновацион фаолиятни самарали ривожлантиришнинг чора-тадбирлари, йўналишларини такомиллаштириш ва тегишли шарт-шароитлар яратишдан иборат. Дастурнинг асосий мақсадлари:

- туристик корхоналарда инновацион лойиҳаларни жорий этиш орқали самарали натижаларни қайд этиш;
- туризм соҳасида ИТ ва инновацион технологиялар билан ишлаш кўникмасига эга кадрларни шакллантириш;
- мавжуд ва янги самарали ресурслардан оқилона фойдаланиш ва унинг фойдалилик коэффициенти ошириш;
- халқаро ва давлат миқёсида эҳтиёжлар, истеъмолчилар талабларини ҳисобга олган ҳолда бюртмаларни бажаришда инновацион фаолиятни фаоллаштириш;
- ягона марказлашган дастур асосида имтиёзли кредитларни онлайн олиш имкониятини яратиш;
- туристик инновацион тадқиқотлар натижаларини амалиётга жорий этиш ва тижоратлаштиришнинг меъёрий-ҳуқуқий базасини такомиллаштириш;
- консалтинг хизматини йўлга қўйиш ва инновациялар тўғрисида ахборот хавфсизлигини яратиш.

Ушбу мақсадни амалга оширишда ҳудудий даражада реализация қилинадиган дастурий тадбирлар мажмуаси ишлаб чиқилди. Шунингдек, инновацион фаолиятни бошқариш тизимини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш бўйича мақсадли дастур ижросини таъминлашда, унинг вазибалари сифатида туризм соҳаси иқтисодий салоҳиятини ва инновацион фаоллигини ошириш назарда тутилади.

Мунозара. Малакатимиз иқтисодий бозорида ҳам инновацияларни жорий этиш ва тармоқ соҳалири фаолиятида кенг фойдаланиш шартларини ошириш орқали тизмлаштиришга эришилади. Ҳудудда инновацион фаолиятни фаоллаштиришда бир неча омилларга аҳамият берилади. Инновацион соҳа субъектлари орасида ўзаро алоқани мустаҳкамлаш, инновацион стратегияларнинг мавжуд субъект учун мувофиқлик ва алоқадорлигини таъминлаш, экологик, ижтимоий зарарсиз эканлигига ишонч ҳосил қилишга алоҳида аҳамият бериш зарур. Бундай ҳулосаларни минтақанинг хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда SWOT таҳлил орқали инновацион имкониятларини аниқлаш имконини беради.

Туристтик инновацион қуйидаги шарт-шароитлар асосида шаклланади:

➤ туризм йўналиши инновацион лойиҳаларни молиялаштириш ва рағбатлантиришни ошириш;

➤ мавжуд тўсиқлар ва чекловларни олиб ташлаш ва кичик бўлсада ўзгаришларни амалиётда синаб кўришга йўналтириш

Унга кўра, давлат томонидан ажратилган маблағлар маълум ташкилотлар орақали туризмда инновацион ютуқларни жорий этиш учун йўналтирилади. Ихтисослаштирилган ташкилот «tourism innovation center» маркази инновацияларни такомиллаштириш ва ривожлантириш мақсадида молиялаштириш учун йўналишларни ташкиллаштиради.

Давлат бюджет маблағлари ва хусусий ташкилотлар жамғармалари ёрдамида, ҳамда бошқа молиявий манбалар асосида молиялаштириш қуйидаги гуруҳларга ажратилади:

- Асосий - Олий таълим, фан ва инновацион ривожланиш вазирлиги ҳузуридаги инновацион ривожланиш агентлиги томонидан ҳудудий илмий-техникавий дастурлар ва лойиҳаларни молиялаштириш учун давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар; бюджет маблағларидан фойдаланиш асосида фаолият юритувчи ихтисослаштирилган жамғармаларнинг маблағлари; маҳаллий бюджетлар маблағлари.

- Қўшимча- бюджетдан ташқари (венчур) фондлар маблағлари; ташкилотлар, корхоналар ва бошқа хўжалик юритувчи субъектларнинг маблағлари.

туристик инновацион тизимни
молиялаштиришнинг ресурслар базасини
яратиши;

туристик инфратузилмадан тушадиган
даромадни жамғариш;

инновацион амлиётга асосланган молиявий
бошқарувни назорат қилиш ва қарздорликдан
фойдага чиқиш;

2-расм. Ҳудудий туристик инновацион тизмини молиялаштириш [6]

Бундай молиялаштириш маблағларининг бир-биридан фарқи Асосий тоифадаги молиялаштириш тури маълум белгиланган ҳудудларда жорий этилаётган инновацион лойиҳанинг минтақа учун стратегик аҳамиятга эга эканлик даражаси билан фарқланади. [9]

Туризм соҳасида инновацион фаолликни ошириш бўйича давлат дастурлари доирасида белгиланган вазифаларга мувофиқ қуйидаги йўналишларни ажратиб кўрсатиш зарур: «Туризм соҳасига доир меъёрий-ҳуқуқий базани такомиллаштириш», «Кадрлар тайёрлаш тизими», «Инновацион фаолиятни реализация қилиш асосида туристик субъектлар ва ташкилотлар ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик механизмларини такомиллаштириш», «tourism innovation center» маркази фаолиятини йўлга қўйиш ҳамда «Молиявий қўллаб-қувватлаш».

I. Туризм соҳасига доир меъёрий-ҳуқуқий базани такомиллаштириш.

1.1 Мавжуд меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш орқали унинг концептуал асосида инновацион фаолиятга оид муносабатларни тартибга солишдаги қарама-қаршиликларни олдини олиш.

1.2 Кичик туристик фирмалар ва инновацион корхоналарнинг патентлар ва аблигациялар билан ўзаро иқтисодий муомала имкониятини яратиш махсус флатформа ташкил этиш ва унинг ҳудудий оммалашувини тامينлаш бўйича меъёрий-ҳуқуқий

хужжатларни ишлаб чиқиш; кичик туристик инновацион корхоналар фаолиятининг ҳуқуқий жиҳатлари ва мақомини қонуний асосда мустаҳкамлаш.

1.3 Давлат томонидан молиявий қўллаб-қувватлашнинг ҳуқуқий тизимини такомиллаштириш ҳамда инновацион лойиҳаларни туризм соҳасида хизмат кўрсатиш жараёнларига тадбиқ этиш. Бунда инновацион фаолиятни амалга оширишнинг ҳудудий салоҳият даражаларига қараб имтиёзлар берилиши лозим.

Иновацион фаолиятни молиялаштириш ҳам маълум фарқларга эга бўлиб, инновацион маҳсулотни ишлаб чиқарувчи корхоналарни молиялаштириш ва инновацион фаолият учун, яъни инновацион маҳсулотни сотиб олиш ва уни ишлаб чиқариш фаолиятида амалга ошириш учун молиявий ёрдам олиш [10] бир биридан фарқ қилади. Биринчи турдаги ҳолатда бундай молиявий ресурсларни ҳисобга олиш узоқ муддатли (хавфли) инвестициялар нуқтаи-назардан кўриб чиқилиши, бунда молиялаштириш билан ҳам боғлиқ муаммолар кўзга ташланади. Фаолият давомида тайёр инновацион маҳсулотни амалга оширишни молиялаштиришда еса деярли ҳар доим самарадорликка эришилади.[11]

II. Инфратузилмани ривожлантириш.

2.1 Яратилган инновацион ғояларни патентлаш орқали ва мавжуд тузилмалар фаолиятини бошқариш учун базавий имкониятларни яратиш (бино, керакли жиҳозларни ижарага ёки вақтинча текин фойдаланишга бериш) йўли билан мулкӣ ёрдам кўрсатиш.

2.2 Маълум ҳудудий тузилмаларда туристик инновацион лойиҳалар танловини ташкил этиш;

2.3 Замонавий технологик имкониятларга эга марказлар-технологиялар трансфери марказини ташкил этиш, маълум нуқталарда кўчма алоқа пунктларини ташкил этиш;

Туризм соҳасида инновациялар рақобатининг асосий шarti яратилган инновацион лойиҳанинг жорий этилиши ва унинг истeъмолчи томонидан ижобий қабул қилиниши билан боғлиқ. Дастлаб муаллиф томонидан онлайн рўйхатдан ўтказилган лойиҳалар сараланиб олинади. Кейинги босқичда инвесторлар ва тегишли аъзолар томонидан талабнома берувчилар иштирокида режалаштирилган ишлар муҳокамма қилинади. Эксперлар ҳулосасига кўра энг мақул лойиҳалар танлаб олинади. Бундай танловлар бир неча босқичларда амалга оширилади. Унинг молиявий таминоти сифтида давлат-хусусий шериклиги механизми асосида инвестицияларни жалб этиш лозим. Юқорида қайд этиб ўтилган ташкилотлар ва бошқа фондлар асосида барча тадбирлар бюджет ва бюджетдан ташқари маблағларни жалб қилган ҳолда амалга оширилади.

III. Дастурни молиялаштиришни қўллаб-қувватлаш.

1.1 Туристик субъектлар фаолиятида янги инновацияларни жорий этиш даври мобайнида сарф-харажатларни пасайтириш мақсадида давлат томонидан кўрсатиладиган хизматлар учун бож ва тарифларнинг табақалаштирилган тизимини жорий этиш;

1.2 Кичик туристик субъектлар ва корхоналар фаолиятини қўллаб-қувватлаш мақсадида субсидиялар бериш ва давлат бюджети ҳисобидан ажратилган ссудалар орқали инновацион фаолиятни ҳимоя қилиш билан боғлиқ фаолиятни молиялаштириш;

1.3 Кичик туристик корхоналар (кичик оилавий туристик субъектлар, мавсумий кўчма мехмон уйларибизнеси ва ҳ.к)га имтиёзли кредитлар ажратиш шартларининг енгиллаштирилиши ва давлат кафолатларининг тақдим қилиниши;

1.4 Инновацион фаолиятни йўлга қўйишда зарурий замонавий ашёларни лизинг асосида ижарага бериш.

1.5 Тиждорат банклари ва кредит ташкилотлари томонидан имтиёзли фоиз ставкасида туризм соҳасида инновацияларни жорий этилишига доир кредитларни ажратилиши;

Хорижий инвесторларга дивидентлар бўйича солиқларнинг имтиёзли ставкаларни тақдим қилиш; [8]

$$D_{tax} = (K_{om} \times D_1) \times t_{rate},$$

Бу ерда: D_{tax} – дивидентларга солиқ, бу кўрсаткич инвесторлар томонидан олинган дивидентлар суммасини тўланадиган дивидентларнинг умумий миқдорига нисбати бўйича аниқланади.

$$K_{om} = \frac{D_1}{D_2},$$

Бу ерда: D_1 – инвестор томонидан олинган дивидентлар суммаси;

D_2 – тўланадиган дивидентларнинг умумий миқдори.

1.6 Бизнинг фикримизча, кичик туристик корхоналар солиқ тўлашдан озод этилса, уларда янги инновацион лойиҳаларни жорий этиш ва фаолиятга тадбиқ этиш имконияти кенгаяди. Инвестицияларни киритиш ҳам кичик ва ўрта корхоналар талаблари ва аризаларига асосан ажратилади.

1.7 Субсидиялар – инновацион фаолият учун бепул тақдим этилади. Мамлакатимиз ҳукумати ва давлат органлари томонидан давлат кафолатларини бериш йўли билан кичик инновацион бизнесни субсидиялаш ва имтиёзли кредитлаш жараёни амалга оширилади.

IV. Кадрлар тайёрлаш тизими

4.1 Инновацион тадбиркорликни ривожлантириш билан боғлиқ туристик хизматларни ривожлантириш кўзда тутилган корхона ва тузилмаларда талабалар амалиётини ташкил этиш;

4.2 Туристтик субъектлар ва йирик туристик сектор ходимлари учун талабларга кўра қайта тайёрлов ва малака ошириш курсларини ташкил этиш;

4.3 «Инновацион турзилмани ривожлантириш» ўқув курсини ташкил этиш орқали инновацион туризм и ва амалий аҳамиятини етказиш;

4.4 Тегишли ташкилотлар билан келишилган ҳолда зарурий тармоқлар учун «Туристтик инновацион сектор бошқарувчи кадрлар тайёрлаш ҳудудий дастури» асосида кадрлар етказиш;

Ушбу фаолиятни амалга ошириш учун олий таълим ташкилотлари, махсус ўқув тайёрлов курслари ва тегишли муассасалар жалб этилади. Зарурий ўқув адабиётлари ва материаллар учун маблағ бюджетдан ташқари манбалар, шу жумладан давлат грандлари асосида амалга оширилади. Маълум шароитдан келиб чиққан ҳолда масофавий таълимни ташкил этилиши ва унинг корхона ва ташкилотлар ходимлари учун бюджет маблағлари асосида, нодавлат нотижорат ташкилотлар учун эса бюджетдан ташқари маблағлар асосида молиялаштирилиши кўзда тутилади.

V. Туризм соҳасида инновацион фаолиятни амалга оширишда субъектлар ва давлат муассасалари ўртасида ҳамкорлик механизминини такомиллаштириш.

5.1 Туризм соҳасида инновацион таклиф ва ишланмаларни онлайн ягона базага бирлаштириш асосида рақамли хизмат кўрсатишни ташкиллаштириш;

5.2 Туристтик инновацион корхоналарининг хўжалик фаолияти ҳисобини юритиш ва бепул тарқатиш имконини берувчи дастурий таъминотни ишлаб чиқиш.

5.3 Инвесторлар сифатида давлат, хусусий, аралаш ва шахсий мулк шаклларидаги маҳаллий ва хорижий инвестиция киритувчиларни жалб қилиш ва субтармоқ соҳаларнинг ҳам ривожлантириш;

5.4 Рақамли технологик тизимлаштириш орқали давлат органлари кўмагида яратилаётган ҳар бир инновацион лойиҳанинг тижоратлаштириш ва фойда олиш имкониятини яратиш;

5.5 Инновацияларнинг бир неча турларини ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлашни ташкил этиш: ҳам норматив ҳуқуқий ҳужжатлар орқали.

Ушбу устувор вазифаларни амалиётга жорий этиш ва самарали натижаларга эга бўлиш учун ўша ҳудуд миқёсида иқтисодий-мейорий ҳуқуқий ҳужжатлар орқали тартибга солиш тизимини такомиллаштириш, яратилган инновацион маҳсулотларнинг иқтисодий бозорда ўз харидорларини топиш, маҳсулолат сифати, бошқарув усули ва

кадрлар малакасининг халқаро стандарт талабларига жавоб бера оладиган тарзда ташкил этиш масадга мувофиқдир.

VI. «Tourism innovation center» хизматларини йўлга қўйиш ва ахборот таъминотини ташкил этиш.

6.1 «Tourism innovation center» марказининг туристик инновацион фаолият учун хизматларни ташкил этиш ва давлат органлари билан туризм субъектлари фаолиятининг мутаносиб интеграциялашуви асосида, уларни ўзаро боғлаш орқали хизматларни йўлга қўйиш;

6.2 Тизимининг муҳим функцияси онлайн хизматларнинг жорий қилиниши: онлайн тарзда ариза топшириш ва хизматларни олиш (имтиёзли кредитлаш, субсидия ва ссудалар олиш);

6.3 туристик инновацион корхоналар тадбиркорлар учун махсус call марказини ташкил этиш;

6.4 туристик инновацион ишланмалар натижаларининг маълумотлар банкини шакллантириш, кичик ва хусусий корхоналар ходимлари, шу жумладан туристик субъектлар, кичик юридик шахс бўлмаган тадбиркорларнинг маълумотлар банкидан бепул фойдаланишини таъминлаш;

6.5 туристик имкониятларимизни намойиш этиш, ҳамда реклама ва тарғибот масалалари учун давлат бюджети маблағларининг бир қисми ва маълум хусусий сектор муассасалари нобюджет маблағларини ажратиш;

6.6 Интернет порталлари, газеталар, журналлар, кичик ва хусусий корхоналар учун форумларни инновация ва инновацион тадбиркорлик масалалари бўйича ташкил этиш: илмий шарҳлар; таҳлилий материаллар; статистик маълумотлар; қонунчилик.

Хулоса. Ўзбекистонда туризм соҳасида инновацияларни қўллаш ва такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бугун юртимизга ташриф буюрмакчи бўлган туристлар учун интернет тармоқларидан мамлакатимиз ва ташриф буюрадиган манзиллари тўғрисида тўлиқ ахборот олиш имкониятига эга. Ушбу маълумотлар орқали ўз саёҳатини режалаштириши, меҳмонхона ва авиакомпаниялар онлайн хизматларидан фойдаланиши мумкин. Мамлакат ҳудудида смартфонлардаги махсус мобил иловалар орқали транспорт воситаларини буюртма қилиш, ресторанда жой банд қилиш ёки бораётган манзиллари ҳақида тўлиқ маълумот олиш имконияти мавжуд. Ахборот технологиялари шу тариқа туризм индустриясида тараққий этишида ва кенг йойилишига йўл очилади.

Мамлакатимиз туризм дастурлари ва лойиҳалар бўйича ягона ахборот базасни яратиш, туризм маҳсулотлари ва туристик имкониятларимизни намойиш этиш, ҳамда реклама ва тарғибот масалалари учун давлат бюджети маблағларининг бир қисми ажратиш каби қўшимчаларни киртиши зарур деб ўйлайман. Шу билан бирга инновацияларнинг бир неча турларини ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш: ҳам норматив ҳуқуқий ҳужжатлар орқали, ҳам молиявий кўмак ёрдамида алоҳида эътиборни кучайтириш лозим. Уларнинг амалиётда қўлланиши мамлакат туризми инфратузилмасига ижобий таъсир кўрсатади. Институционал инновациялар туризмда, шунингдек ёндош тармоқларда янги қоидалар ва тартибга солиш тизимларини шакллантиради. Улар маъмурият, хусусий тармоқ ва сайёҳлик жойларидаги жамоатчилик ўртасида ҳамкорликнинг янги тизимлари ва шакллари яратади.

Республика миқёсида туристик фаолият ва инновацияларни жорий этишда давлатнинг ролини ошириш иқтисодий механизмларини такомиллаштириш ва инновацион фаолиятни рағбатлантириш бўйича қатор таклифлар келтириб ўтилди. Бунда туристик корхоналарнинг ўзаро манфаатларини рўёбга чиқариш, мувофиқлаштириш ҳамда комплекс ривожлантириш тизими сифатида давлатнинг тартибга солувчи ва қўллаб-қувватловчи ролига алоҳида эътибор қаратилган.

1. Бабашкина А.М. Государственное регулирование национальной экономики / А.М.Бабашкина. – М.: Финансы и статистика, 2007. – С. 12
2. Т.Д. Ромашенко, И.В. Геронская Кейнсианская концепция государственного регулирования экономики: границы применения в российских реалиях / Воронежский государственный университет, 2019. – С.6
3. Кабушкин Н.И. Менеджмент туризма. – Минск: Новое знание, 2002. – 407 с
4. Мухаммедова З.М. Туризмни инновацион ривожлантиришда инвестицион ресурслар иқтисодий самарадорлигини ошириш: Иқт.фан.фалс. д-ри дисс... автореф. – Самарқанд, 2020. – Б. 15.
5. Иванов В.В. Инновационная политика при переходе к экономике знаний // Экономическая наука современной России, № 1, 2006.
6. Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.
7. Ўзбекистон: жаҳон молиявий-иқтисодий инкирози, инновацион тараққиёт ва миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини ошириш / ЎзФА, Иқтисодиёт ин-ти; А.Ф.Расулевнинг таҳрири остида. – Т.: KONSAUDITINFORM-NASHR, 2011. – 408 б.
8. Меджитов А.И. Организационно-экономические основы государственного регулирования инновационного предпринимательства в сфере услуг региона // дисс. экон. наук. – М.: 2011. – С. 121. https://new-dissert.ru/product_info.php?products_id=729859
9. <https://science-education.ru/ru/>
10. <https://cyberleninka.ru/article/n/aktualnye-aspekty-ustoychivogo-razvitiya-territoriy-respubliki-uzbekistan>
11. http://iqtisodiyot.tsue.uz/sites/default/files/maqolalar/24_Orzibekov.pdf
12. Rakhmatulla Khidirovich Ergashev, Zuhra Jabborova —The importance of innovative activity in tourism. Scholar Journal (ESJ) 4, April 2021. P 467-472.
13. Жабборова З.А. Туризмда инновацион фаолиятни давлат томонидан

қўллабқувватлашнинг иқтисодий механизмларини такомиллаштириш. //Инновацион технологиялар илмий журнали, -2023. - № 2(50), -145-149 б